



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ПАРАЛИМПИЯЧИЛАР ҒАЛАБАСИ – КАТТА ЖАСОРАТ ВА ҚАҲРАМОНЛИК НАМУНАСИ



Президент Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашди.

Тадбирда Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, паралимпиячиларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашди.

Маълумки, мазкур мусобақа 24 августдан 5 сентябргача Япония пойтахти

Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Паралимпиячиларимиз 8 та спорт тури бўйича 55 та йўлланмани қўлга киритган эди. Бу шу пайтгача юртимиз спортдаги энг юқори кўрсаткичдир.

Паралимпиячиларимиз юксак матонат ва маҳорат кўрсатиб, 8 та олтин,

5 та кумуш ва 6 та бронза медалга сазовор бўлди. Яна бир эътиборли томони, шу 19 та медалнинг 11 тасини спортчи қизларимиз қўлга киритди.

Умумий ҳисобда мамлакатимиз терма жамоаси 160 дан зиёд давлат ўртасида ўн олтинчи, Осиё қитъаси ҳамда

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида тўртинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринни эгаллади.

Маросимда Президентимиз барчани спортчиларимизнинг ана шу улкан ғалабаси билан муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари мусобақада

ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни номма-ном эътироф этиб, уларнинг мураббийлари ва ота-оналарига ташаккур айтди.

— Сизлар эришган ютуқлар тинимсиз жисмоний машқлар билан бирга, кучли руҳий тайёргарлик, мустақам ирода ва

пок ният самарасидир, — деди Шавкат Мирзиёев. — Улуғ мутафаккир бобомиз Ҳаким Термизий айтганларидек, “Инсон бирон нарсани йўқотса, қайғурмаслиги керак. Фақат ниятни йўқотса, қайғуриши керак. Чунки ҳар қандай хайрли иш пок ният билан ижобат бўлади”.

Давоми 2-бетда

ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 сентябрь куни ахборот технологиялари соҳасида салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшлар билан тизимли ишлаш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

“Рақамли иқтисодиёт” мамлакатимиз тараққиётининг асосларидан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бошланди. Жумладан, унинг доирасида ҳудудларда 89 та, тармоқларда 200 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Йил бошидан буён IT Park резидентлари сони 35 фоизга кўпайиб, уларда 6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилган. Жорий йилнинг 8 ойида ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар 26 миллион долларга экспорт қилинган. Келгуси 3 йилда иқтисодиёт соҳаларида яна 300 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳалар, умуман, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Бирлашган Араб Амириклар билан ҳамкорликда “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ҳозиргача бу лойиҳа доирасида 567 минг ўғил-қиз бепул сабоқ олди. Эътиборлиси, уларнинг 79 фоизи мактаб ўқувчиларидир.

Тадбир аввалида Бирлашган Араб Амирикларининг ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гергавий видеоалоқа орқали ушбу лойиҳанинг аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Йиғилишда ахборот технологиялари бўйича таълим шароитларини яхшилаш ва қамровини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

2 мингдан ортиқ мактабнинг бирорта ҳам ўқувчиси “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида иштирок этмагани кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани ҳар бир мактабга етказиш, зарур ҳолларда уларни қўшимча компьютерлар билан таъминлаш, болаларни ўқишга кенг жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

— Бирорта мактаб “Бир миллион дастурчи” лойиҳасидан четда қолмаслиги керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, бундай ўқувлар жойларидаги Ёшлар маркази, “Ишга марҳамат”

мономарказлари негизидан ҳам ташкил этилиши айтилди.

Бугунги кунда юртимизда ахборот технологияларига ихтисослашган 100 та мактаб фаолият қилмоқда. Келгуси икки йилда бундай муассасаларни 205 тага етказиб, 30 мингдан зиёд ўқувчиларни ўқитиш режалаштирилган.

Шу боис, мутаассадиларга ушбу мактаблар учун педагоглар, техника ва ўқув дастурларини ҳозирдан пухта тайёрлаш бўйича кўрсатма берилди.

Яна бир янгилик — жорий йил 1 октябрдан бошлаб барча ҳудудларда 14 та IT-техникум фаолияти йўлга қўйилади. Уларда дастурий инжиниринг, ахборот хавфсизлиги ва телекоммуникация каби йўналишлар бўйича 8 мингга яқин ўқувчи тахсил олади.

Йиғилишда ушбу техникумларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам тўхталиб ўтилди.

Давоми 2-бетда

ТАЪЛИМ

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН ЗАМОНАВИЙ ОЛИЙҒОҲ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ислохотлар олий таълимни модернизация қилиш ҳамда унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этишни ҳам қамраб олади. Зеро, мамлакат иқтисодиётининг ривожини ҳам, халқимизнинг фаровон ҳаёти ҳам кўп жиҳатдан илм-фан тараққиётига боғлиқ. Шу боис, Президентимиз Учинчи Ренессанс рўёбга чиқариш ташаббусини илгари сурмоқда. Бу эса айнан илм-фан тараққиётига, ёшларнинг билими, дунёқараши, интеллектуал салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Маълумки, буюк аجدодларимиз ўрта асрларда оламшумул кашфиётлари ва дунё илм-фани ривожига қўшган бекиёс ҳиссаси билан иккита Ренессансга асос солган. Тамаддун бешиги сифатида қаралган шундай табаррук заминимиз бугун ҳам илм-фанда доврўқ қозониши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Хусусан, юртимизда сўнгги беш йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди. Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 28 фоизга етказилди. Келгусида ушбу кўрсаткич 50-60 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОКИО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XVI ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги алоҳида хизматлари, кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани, хусусан, Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, юксак натижаларга эришгани, терма жамоамиз сафида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шўхратини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани ҳамда ёш авлодни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлидаги самарали ва ибратли фаолияти учун:

1. Қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан

Бурханова Сафия Каимовна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Куранбаев Учқун Умирбекович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Наимова Гулжоной Абдулло қизи — Таэквондо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Омонов Бобиржон Зоиржон ўғли — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Сайидов Феруз Бешимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Хамдамова Мохигул Кабаёр қизи — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан

Кароматов Давурхон Фозил ўғли — Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Каюмова Нозимахон Номонжоновна — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Кузиева Рўза Рашидовна — Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Қурбанова Нурхон Ғулмонжон қизи — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Мирзаёрова Асила Убайдулла қизи — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Норбеков Хусниддин Киличбоевич — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Самандарова Парвина Асад қизи — Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан

Ибрагимова Алфия Гиласдиновна — Урганч олимпия заҳиралари коллежи дзюдо бўйича мураббийси

Камула Григорий Георгиевич — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Давоми 2-бетда

ПАРАЛИМПИЯЧИЛАР ҒАЛАБАСИ — КАТТА ЖАСОРАТ ВА ҚАҲРАМОНЛИК НАМУНАСИ

Бошланиши 1-бетда

Юртимизда спортчиларни тайёрлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Олимпиада қатори Паралимпия уйинларига ҳам пухта тайёргарлик учун барча шароитлар яратилди. Унда ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимизга автомашиналар ва пойтахтимиздан квартиралар ажратилди. Президент фармониغا мувофиқ, барча иштирокчилар ва уларнинг мураббийлари пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Давлатимиз раҳбари эришилган натижаларни мустаҳкамлаб, янада кўпроқ ютуқларни кўлга киритиш учун 2024 йилда Парижда бўладиган Паралимпия уйинларига ҳозирданок аниқ тизим асосида тайёргарлик кўриш зарурлигини таъкидлади. Бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Жисмоний имконияти чекланган фуқароларни спортга кенг жалб этиб, паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, иқтидорлиларни саралаб, тарбиялаш, хориждан тажрибали мутахассис ва мураббийлар жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Спорт таълими масканларида паралимпия бўйича бўлимлар ташкил этилиб, қўшимча квоталар

ажратилиши, махсус ўқув дастурлари ва методика жорий қилиниши айтилди.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси қошида Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассислар тайёрлаш институтини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Паралимпиячиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш мақсадида уларни Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказига бириктириш, дори-дармон билан таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йўналишни қишки спорт турлари бўйича ҳам ривожлантириш, “Амирсой” тоғ-чанги спорт мажмуаси ҳамда “Хумо-Арена” муз саройи базаларида паралимпиячилар учун шароит яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси таркибига “Матонат мактаби” ташкил этиш тақлифини билдирди.

— Афсуски, ҳозирги вақтда ёшлар орасида ҳаётда озгина тўсиқ ёки қийинчиликка учраса, ўзини йўқотиб, умидсизликка тушиб қоладиган, нокўя йўлларга кириб кетадиган йигит-қизлар ҳам йўқ эмас. Сизлар ёшлар билан учрашиб, ўз ҳаётингиз, машаққатли йўлингиз, қийинчиликларни қандай енгиб ўтаётганингиз

ҳақида сўзлаб берсангиз, улар албатта, сизларга эргашади, — деди Президент.

Паралимпиячиларнинг ҳаётини, ютуқ ва зафарларини кенг тарғиб қилиш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

— Улар тақдир синовларига мардона бардош бериб, сабр-тоқат ва шукроналик руҳи билан, ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиб яшаётганининг ўзи катта жасорат ва қаҳрамонлик намунасидир. Бундай инсонларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳалқимиз, айниқса, ёшларимиз қанчалик кўп хабардор бўлса, улардан ўрнат олиб яшаса, бу жамиятимиздаги маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا мувофиқ, Токио шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Паралимпия уйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Спортчи ва мураббийлар, ота-оналар сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва рағбат учун миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Қадрлар тайёрлашда ўқув марказлари ҳам муҳим ўрин тутаяди. Шу мақсадда “Алоқа банк” томонидан устави 80 миллиард сўм бўлган Венчур жамғармаси ва IT билимларни ривожлантириш маркази ташкил этилиши белгиланди. Ушбу марказда келгуси беш йилда 100 минг нафар ёшларга дастурий таъминот, мобиль иловалар, тармоқ администратори каби йўналишлар бўйича профессионал таълим берилади.

Бундан ташқари, ҳозирда 151 та рақамли технологиялар ўқув маркази фаолият юритиб, уларда жорий йилда 27 мингдан ортиқ тингловчилар ўқитилди. Ушбу марказлар фаолиятини кенгайтириш, давлат-хусусий шериклик асосида яна шундай ўқув масканлари ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда Президент ва ижод мактаблари ҳамда ихтисослашган мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Бугунги кунда 4 та Президент мактабида 576 нафар, 3 та ихтисослашган ва 9 та ижод мактабида 1 минг 500 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Давлатимиз раҳбари тарбия жараёнида миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳи асосий аҳамият касб этиши зарурлигини таъкидлади. Ўқувчиларни мамлакатимиз тарихи, маданияти ва санъати билан кенгроқ таништириш, ҳарбий хизматчилар иштирокида ватанпарварлик дарслари ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Ихтисослашган мактаб ўқувчиларини ахборот технологиялари мутахассисликларига йўналтириш, ижод мактабларида веб-дизайн, компютер графикаси, тасвирий ва рақамли санъат, аудиовизуал асарларни яратиш, таржимонлик, журналистика ва актёрлик маҳорати каби тўғарақлар ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Илғор халқроқ тажриба ва стандартлар асосида ушбу мактаблар муаллимларининг малакасини ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Шу мақсадда Тошкент шаҳрида Педагогик маҳорат ва халқроқ баҳолаш маркази ҳамда Андижонда унинг ҳудудий филиали ташкил этилиши белгиланди. Бу марказга хориждан малакали мутахассислар жалб қилиниб, фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларнинг малакаси оширилади, халқроқ сертификатлар берилади.

Умуман, Президент мактабларига инвестицион ва инновацион йўналишларни жорий қилиш бўйича янги тизим ташкил этилади. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги хориждан ўқув дастурлари, адабиётлар ва жиҳозлар, малакали педагоглар ва молиявий грантлар жалб қилишга кўмаклашади. Шунингдек, хорижий мактаблар билан ўқитувчи ва ўқувчиларни алмашиш дастурлари амалга оширилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОКИО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XVI ЁЗГИ ПАРАЛИМПИЯ УЙИНЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Кўзиев Бобур Собирович — Тазквондо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

Норматов Азизжон Муратович — Енгил атлетика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби мураббийси

Сайидов Шамсиддин Бешимович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Ташходжаев Мухторхон Махсудович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси раиси

Хайдаров Мавлонбек Мухторович — Андижон вилояти Спортнинг уйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби енгил атлетика бўйича мураббийси

“Мардлик” ордени билан

Абдухоликов Сардор Абдухоликович — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

Джамалов Адхам Ниматович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

“Дўстлик” ордени билан

Агзамов Билол Хилалович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси илмий-методик таъминлаш ва инновацион ривожлантириш бўлими бошлиғи

Азизов Абдукаҳор Абдухалисович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси Тошкент шаҳар минтақавий бўлими бош котиби

Бабаян Арсен Каренович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Лутфуллоҳ Хожи ўғли Саъдуллахон — Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

Моминджанов Шарипджан Фузайлович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси раиси ўринбосари

Умироқов Фазлиддин Абдулбоқиевич — Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси бош мураббийси

Хорлин Сергей Федорович — Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Худайберганов Сардор Камилевич — Хоразм вилояти Шовот тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби енгил атлетика бўйича мураббийси

Якубов Яхёбек Собиталиевич — Фарғона олимпия захиралари коллежи енгил атлетика бўйича мураббийси

“Жасорат” медали билан

Асланов Ислам Даминович — Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Султонов Элбек Улаш ўғли — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Халилов Шариф Уринович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Шерипбоева Нафиса Умирбек кизи — Дзюдо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

“Келажак бунёдкори” медали билан

Тошпулатова Шохсанамхон Дилшодбек кизи — Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

“Шухрат” медали билан

Амилов Равшанбек Кабилджанович — Сузиш бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси мураббийси

Ахматхонова Дилафрузхон Воксхонова — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Ахмедов Фаррух Хуршидович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси маънавий-маърифий ва оммавий тадбирларни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи

Ғиязов Темурбек Махаммаджон ўғли — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Исакова Зиёдахон Абдуғаффор кизи — Тазквондо бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Исмоилов Шохбоз Исмолович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси ҳамкор ташкилотлар ва спорт

федерациялари билан ишлаш бўлими бошлиғи

Касимов Хасан Садуллаевич — Бухоро шаҳри 2-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби мураббийси

Машарипов Шавкат Қўзибоевич — Хоразм вилояти Бобот тумани олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернати мураббийси

Мирзаева Шахноза Шокир кизи — Каноз бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Муродова Маликашон Каримбердиевна — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими бошлиғи

Ниязов Аброр Абдулазизович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси бош мутахассиси

Одилов Ёркинбек Олимбек ўғли — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Ретунский Андрей Витальевич — Тошкент шаҳри Спортнинг уйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби енгил атлетика бўйича мураббийси

Рихсимов Мухаммад Шокирович — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Тургунов Иззат Абдурашид ўғли — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Турсунов Нодиржон Ботирович — Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси шифокори

Умироқов Фарход Шерали ўғли — Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

Шерқузиёв Хайтмурот Бахтиёр ўғли — Каноз бўйича Ўзбекистон Миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси

2. Вазирлар Маҳкамаси Паралимпия уйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда иловалар мувофиқ пул мукофоти берилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 9 сентябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

О‘ЗЛИДЕР ВА “АДОЛАТ” СДП ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ



Жорий йил 10 сентябрь куни Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (O‘zLiDeP) ва “Адолат” социал-демократик партиясининг ваколатли вакиллари тегишли ҳужжатларни ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда жорий йил 24 октябрда бўлиб ўтадиган Президент сайловига тайёргарлик жараёни тобора қизгин паллага кирмоқда. Сайлов кампанияси эълон қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиб, уларга сайловда иштирок этиш учун рұхсат берилди. Сиёсий партияларнинг ваколатли

вакиллари рўйхатга олинди. Мамлакатимиз бўйлаб сайлов округлари тузилди. Округ сайлов комиссияларининг таркиби тасдиқланиб ўз фаолиятини бошлади. 10760 та сайлов участкалари ташкил этилди. Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзолар ҳамда номзодларни рўйхатга олиш бўйича ҳужжатлар тақдим этилди.

— Қайд этиш жоиз, сиёсий партия

Бохор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИНИ ЁРИТИШ — МУҲИМ ЖАРАЁН

Жорий йил 23 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиغا старт берилгач, ушбу муҳим сиёсий жараённи ёритиб бориш, аҳолининг сайлов бўйича ҳуқуқий билими ва электорал маданиятини ошириш, юртимизда олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларининг марказлаштирилган шаклдаги тизимини яратиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ҳузурида сайлов кампанияси даврида вақтинча фаолият кўрсатувчи Матбуот маркази тузилди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлиmlарини ташкил этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилиниб, мазкур марказнинг низоми тасдиқланди. Унга кўра, Матбуот марказида тажрибали журналистлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар, экспертлар ва бошқа мутахассислардан иборат ихтисослаштирилган еттига гуруҳ фаолият юритиши кўзда тутилган.

Президент сайловиغا тайёргарлик қуриш ва ўтказиш жараёнларини ОАВда ёритиш бўйича режалар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширилишини таъминлаш, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини аккредитация қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни, ОАВ вакиллари учун сайловнинг асосий босқичлари ҳақида Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган брифинглар ҳамда матбуот анжуманларини тайёрлаш ва ўтказилишини ташкил этиш марказнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази таркибига мамлакатимизнинг тажрибали журналистлари, муқаддам сайлов кампанияларида сайловни ёритишда фаол қатнашган мутахассислар танлаб олинди. Ўтган давр мобайнида улар Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясини олиб бориш бўйича махсус календарь режага биноан амалга оширилаётган ишлардан оммавий ахборот воситалари кўмагида аҳолини хабардор этиб келмоқда.



Матбуот маркази томонидан Марказий сайлов комиссиясининг “Saylov-2021” веб-портали ҳамда “Saylov-2021” мобиль иловалари тайёрланиб, ўз фаолиятини бошлади.

Матбуот маркази сайлов жараёнлари ҳақида сайловчиларни кенг хабардор қилиш, жамоатчилик орасида сайлов қонунчилигини тарғиб этиш мақсадида турли инфо ёндашувлар ва ахборот контентларини ҳам (ролик, мақола, телерепортаж ҳамда шу кабиларни) яратиш, аҳоли орасида тарқатиб келмоқда.

Умуман, Матбуот маркази ташкил этилгандан буён МСК Матбуот хизмати билан ҳамкорликда қўллаб-анжуманлар, пресс-кофелар, брифинглар ҳамда бошқа инфотадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирларга теле ва радиожурналистлар, интернет сайтлари муҳбирлари, газета ва журналларда фаолият юритувчи ҳамкасбларимиз жалб қилинди.

Сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситалари ҳодимларини рўйхатга олиш ва аккредитациядан ўтказиш — бутун дунёга хос бўлган ҳуқуқий тажриба. Ўзбекистонда ҳам ОАВ ҳодимларининг ваколатлари Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва

Жалолиддин УСМОНОВ,
Марказий сайлов комиссияси раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — Марказий сайлов комиссияси матбуот котиби

ШАРҲ

Ишбилармонлик муҳитини яхшилашда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни либераллаштириш муҳим ўрин тутadi. Шу боис, мамлакатимизда кейинги пайтда бу борада адолатли, шаффоф ва узоққа мўлжалланган тизимни яратишга қаратилган ислохотлар амалга ошириляпти. Бунинг натижасида бутунлай янги солиқ маъмуриятчилиги юзага келди. Тадбиркорлар бунинг амалий таъсири ва натижасини аввалгидай чиroyли сўзларда эмас, балки ўз кундалик фаолиятида хис этияпти.



ЯНГИ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ: ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРАДИ?

Солиқлар тури қисқариши ва улар ставкасининг пасайиши

— Биринчи навбатда, солиқлар тури 16 тадан 9 тага, назорат шакллари 13 тадан 2 тага қисқартирилди, — дейди Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Музаффар Назаров. — Шу билан бирга, яқингача тадбиркорларга огир юк бўлиб келган Пенсия, Мактаб ва Йўл жамғармаларига 3,2 фоизли йиғимлар бекор қилинди. Бюджетдан ташқари жамғармаларга мазкур йиғимларни бекор қилиш ҳисобидан 7 мингта яқин корхона ҳар йили ўртача 6 триллион сўм солиқ тўлашдан озод бўлди. Демакки, шунча маблағ ўзларида қолади.

Шунингдек, мол-мулк, даромад ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баробар камайтирилди. Хусусан, транспорт соҳасида солиқ юки — 3 баробар, озик-овқат соҳасида — 2 баробар, тўқимачилик ва электр техникаси соҳасида эса 20 фоизгача камайди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 26 сентябрда имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга муvофиқ, қўшилган қиймат солиғи ставкаси амалдаги 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилган эди. Бу 100 минг тадбиркор иштиёрида 10 триллион сўм маблағ қолишини аналатади.

Шу ўринда яна бир масалага аниқлик киритиш зарур бўлади. Яъни ўтган йили янги Солиқ кодекси амалга киритилганидан кейин 23 та махсус иқтисодий зона иштирокчилари аввалги имтиёзларимиз сақланиб қоладими ёки йўқми, деган савол билан Президентимизга ҳам мурожаат қилган эди.

Очик мулоқотда ушбу саволга берилган жавобга кўра, 2020 йил февраль ойида “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун қабул қилингунга қадар иқтисодий зоналарда рўйхатдан ўтган тадбиркорларга имтиёзлар сақлаб қолинишига қаролат берилди. Амалдаги қонунга биноан, ушбу тадбиркорлар инвестиция миқдоридан келиб чиқиб, мол-мулк, ер ва сув солиқларидан 10 йилгача озод қилинган. Эндиликда ушбу имтиёзларга фойда солиғи ҳам қўшилди ва корхоналар иштиёрида йилига қарий 300 миллиард сўм маблағ қоладиган бўлди.

— Қўшилган қиймат солиғининг узлуксиз занжирини яратишга қаратилган ишлар сабабли махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига қўшилган қиймат солиғининг ортиқча қисmini 7 кун ичида қайтариб бериш тартиби ҳам жорий қилинмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ботирбек Тўразода. — Бундай тартиб тадбиркорларга бир йилда ўртача 350 миллиард сўм қўшилган қиймат солиғини қисқа муддатда қайтариб олиш ва айланма маблағларини кўпайтириш имкониятини беради.

Четдан олиб келинган товарлар учун қўшилган қиймат солиғини 120 кун давомида бўлиб-бўлиб тўлашда тадбиркорларга фоиз ҳисобланмаслиги ва гаров талаб этилмаслиги минглаб тадбиркорларни илҳомлантириб юборди, ҳаракатга келтирди. Бугунги кунда 5 мингта яқин тадбиркорлик субъектини ташки савдо операциялари бўйича дебитор қарздорлиғи мавжуд бўлса, пандемия сабабли уларга жарима солиш ва ҳозирги пайтгача қўлланган 6 триллион сўмлик жарималарни ундириш жорий йил якунига қадар тўхтатилади.

Солиқ маъмуриятчилигига доир ушбу чоралар ҳам ҳали ёдимиздан кўтарилмаган бўлса керак. Пандемиядан кўпроқ зарар кўрган тармоқларга ижтимоий солиқ 12 фоиздан 1 фоизга пасайтирилиб, мол-мулк ва ер солиқлари тўловларидан буткул воз кечилди. Бу эса тадбиркорларга иштиёрида қолган 2 триллион сўм маблағни бизнес фаолиятига сарфлаш имконини яратди.

Камерал солиқ текшируви

Давр шиддат билан ўзгариб борапти. Амалга оширилган кенг кўламли ишларга қарамай, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириши, солиқ идораларининг назорат функцияларини такомиллаштириш бўйича жиддий чоралар кўришни кун тартибига кўйяпти. Хусусан, камерал солиқ текшируви борасида ҳам.

Энг аввало, ҳаммамизга ойдin бўлиши учун ушбу назоратнинг мазмун-моҳияти хусусида мухтасар тушунчага эга бўлиш фойдадан холи бўлмаса керак.

— Камерал назорат ўрганилаётган объектда эмас, балки солиқ органи идорасида, ахборот

технологиялари ёрдамида ўтказилади, — дейди Жиззах вилоят ДСБ камерал солиқ текшируви бўлими бошлиғи ўринбосари Хусниддин Муродов. — У самарадорлиги ва аниқлиги билан ҳужжатли текширишлардан қолишмайди. Бунда давлат солиқ органлари мавжуд ва бошқа ташки маълумотларни таҳлил қилади, тадбиркор фаолиятига баҳо берилади.

Янги тахрирдаги Солиқ кодексида камерал назорат солиқ назорат шакли сифатида эмас, балки солиқ текширув тури сифатида киритилган ва уни қандай ўтказиш тартиби ҳам аниқ белгилаб берилган. Текширув давомида тафовутлар ёки халотлар аниқланса, солиқ органи томонидан солиқ тўловчига уни мустақил равишда бартараф этиш юзасидан талабнома юборилиди. Унда аниқланган халотли ва тафовутлар солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатлари асосида аниқ ва тушунарли тарзда акс эттирилади.

— Таҳлилларга кўра, ҳозирги вақтда 228 мингта кичик тадбиркорда бухгалтер йўқ, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ботирбек Тўразода. — Оқибатда солиқ ҳисоботларини камчиликлар билан топширган 32 мингта яқин тадбиркорга молиявий жарима солинган. Ҳисоботларни кечиктириб топшириш билан боғлиқ молиявий санкцияларни кўплаш тартиби тўлиқ бекор қилиняпти. Солиқ идоралари кўлаётган айрим жарималар сони ва миқдорининг ортигани ҳам тадбиркорларни хавотирга солмоқда. Утган йили камерал назорат натижасида 336 та корхонага 51 миллиард сўм молиявий жарима қўлланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойида 3 мингдан зиёд тадбиркорга 900 миллиард сўмдан ортиқ жарима белгиланган.

Президентимизнинг шу йил 7 сентябрдаги “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қўлай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2022 йил 1 январдан бошлаб камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқ бузарликлар учун молиявий санкциялар кўлланилмайди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар бекор қилинади.

Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил январь — июль ойларида эксперимент тарикасида Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармасида ҳисобда турган солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат, акциз, айланмадан ва юридик шахслардан олинadиган ер солиқлари бўйича ҳисоботларининг солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилиши ва шакллантириб берилиши тўғрисидаги таклифи кўплаб-қувватланди.

Ҳужжатга муvофиқ, эксперимент доирасида солиқ органлари юридик шахслардан олинadиган ер солиғини Кадастр агентлиғи органлари маълумотлари асосида, қўшилган қиймат, акциз ва айланмадан олинadиган солиқларни электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн назорат-касса техникаси маълумотлари ҳамда солиқ органларида мавжуд бошқа маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқаради ва ҳисоботини шакллантиради.

— Солиқ тўловчилар ушбу ҳисоботларни ўзларидаги маълумотлар асосида солиштирган ҳолда тасдиқлашлари ёки эътирозлари мавжуд бўлса, рад этиб, уларни ўзлари қайта шакллантирган ҳолда идораларимизга тақдим этишлари мумкин бўлади, — дейди Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Музаффар Назаров. — Ушбу тартиб келгусида юртимизнинг барча ҳудудларидаги солиқ тўловчиларга татбиқ этилиши белгиланган.

Ҳужжатда Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат, акциз ва айланмадан олинadиган солиқларни ҳисоблаш учун зарур бўлган солиқ солиш объектларини электрон ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш имкониятларини яратиши ҳам назарда тутилмоқда.

Солиқлар аслида давлатнинг мустаҳкам бюджетини шакллантиришга қаратилган тушумлар манбаи ҳисобланиб, ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга қайта йўналтирилади. Мазкур фармон эса қўрида қайд этилганидек, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлиқни либераллаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини яхшилашда муҳим ўрин тутadi.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАЪЛИМ

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН ЗАМОНАВИЙ ОЛИЙҒОҲ

Насриддин ЖАББОРОВ, Тошкент шаҳридаги Беларусь—Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий-техник квалификациялар институти ижрочи директори, физика-математика фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш натижасида 20 дан ортиқ нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг юртимиздаги филиаллари ва қўшма олий таълим муассасалари ташкил этилди.

Утган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш йўлида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жихатдан янгилаш, илгор лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритиш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳалли хомашёни чуқур қайта ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиғи, тоғ-кон, кимё, қурилиш материаллари, машинасозлик ва тўқимачилик тармоқлари мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий “драйвер”лари ҳисобланади. Саноат-ишлаб чиқариш тармоқларининг узоқ муддатли ва барқарор ривожланишини таъминлаш, янги ишлаб чиқариш воситаларини амалиётга татбиқ қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги самарадорлигини ошириш ҳамда уларни экспорт қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда замонавий хорижий корхоналар тажрибасини, техника-технологияларини мамлакатимиз саноатига кенг жорий этиш ҳамда мазкур соҳаларда юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.



Президентимизнинг 2019 йил 31 июль — 1 август кунлари Беларусь Республикасига расмий ташрифи чоғида таълимга оид ҳужжатларни ўзаро тан олиш тўғрисида ҳам битимлар, илмий-техника, IT соҳалари, минтакалараро ҳамкорликка оид кўплаб ҳужжатлар имзолаган эди.

Шунга муvофиқ, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 ноябрдаги қарори асосида Тошкент шаҳрида Беларусь—Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти ташкил этилди. Бу икки мамлакат ўртасида олий таълим тизимидаги ўзаро ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқишга имкон берди.

Шу ўринда мазкур йўналишдаги институт нега айнан Беларусь Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилди, деган савол туғилиши мумкин.

Сабби шундаки, Беларусь Республикаси нафақат БШҲ давлатлари орасида, балки Европада ҳам ўзининг озик-овқат ва фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиғи, тоғ-кон, кимё, қурилиш материаллари, машинасозлик, енгил саноат тармоқлари ривожланган мамлакатлардан саналади. Хусусан, Минск автомобиль заводи (“МАЗ”), Беларусь автомобиль заводи (“БелАЗ”) ҳамда Минск трактор заводи (“МТЗ”) бутун дунёга машҳур.

Шу нуқтага назардан, Беларусь миллий техника университети, Республикаси касб-хунар таълими институти (Беларусь Республикаси) ва Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамкорлиғида Тошкент шаҳридаги Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтининг ташкил этилиши республикаимиз саноат тармоқларининг энг муҳим илмий-ишлаб чиқариш масалаларини ҳал эта оладиган юқори малакали муҳандис-техник кадрларни ҳамкорликда тайёрлаш имконини беради.

Мазкур институтда халқаро таълим стандартларига муvофиқ, шу жумладан, қўшма таълим дастурлари асосида бакалаврият



Келажакда Беларусь миллий техника университети билан ҳамкорликда институтда инновацион-технологик парк яратиш, икки ҳамкор олий таълим дароҳининг илмий инновацион фаолиятини интеграция қилиш, тажрибаларини кенг ёйиш, талаба, магистрант ва докторантлар иштирокида юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган.

унинг негизида “Ижтимоий-аниқ фанлар” ҳамда “Техника фанлари” кафедралари фаолият юритмоқда. Талабаларга мамлакатимизнинг етакчи профессор-ўқитувчилари таълим бериб келади.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда малакали кадрларни тайёрлаш замонавий фан, техника ва технологиялар ютуқларига асосланган таълим тизимини ташкил қилишни тақозо қилади. Ҳозирги даврда таълим соҳасида замонавий педагогик технологиялар ва ютуқлардан кенг фойдаланиш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини мамлакатимиз таълим тизимига кенг татбиқ қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шу жихатдан институтда ўтган 2020/2021 ўқув йилида “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари ускуналари ва уларни автоматлаштириш”, “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти”, “Пайвандлаш ишлаб чиқариши ускуна ва технологиялари”, “Саноат корхоналарининг инновацион лойиҳаларини бошқариш”, “Тракторсозлик таълим йўналиши” талабаларининг мутахассислик ва махсус фанлардан дарс машғулотлари Беларусь миллий техника университети профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Беларусь миллий техника университети нафақат ўз мамлакатида, шунингдек, бутун дунёда ҳам юқори малакали муҳандис-техник кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасаси саналади. Бугунги кунда мазкур олийгоҳ дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ушбу университет халқаро тан олинган QS — Quacquarelli Symonds World University Rankings ташкилоти томонидан эълон қилинган олий таълим муассасалари рейтингига биринчи 1000 талик рўйхатга кирган олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Жорий 2021/2022 ўқув йилида барча таълим йўналишларидаги мутахассислик фанларини ўқитишни дунёнинг нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Талабаларнинг олган назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларда амалий кўникма ва маҳоратни ҳосил қилиш, амалиётда ишлашга тайёр бўлишни таъминлаш мақсадида “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси, “Тошкент қишлоқ ҳўжалик техникаси заводи”, “Чирчик қишлоқ ҳўжалик техникаси заводи”, “Тошкент кувур заводи” ҳамда “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат корхонаси ва бошқа йирик корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва ҳамкорлик шартномалари имзоланиб, талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини барча босқичларда мазкур корхоналарда ташкил этиш йўлга қўйилган.

Келажакда Беларусь миллий техника университети билан ҳамкорликда институтда инновацион-технологик парк яратиш, икки ҳамкор олий таълим дароҳининг илмий инновацион фаолиятини интеграция қилиш, тажрибаларини кенг ёйиш, талаба, магистрант ва докторантлар иштирокида юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган.

Институтда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма, шу жумладан, икки босқичда — 2+2 форматда амалга ошириладиган замонавий таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш олдимида турган муҳим вазифалардан саналади.

Келажакда талабаларнинг хоҳишларига кўра, ўқишни Беларусь миллий техника университетида давом эттириш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, университетда ўқиш даврида турли йирик корхоналар, хусусан, Минск автомобиль заводи (“МАЗ”), Беларусь автомобиль заводи (“БелАЗ”), Минск трактор заводи (“МТЗ”) ва бошқа йирик корхоналарда талабалар амалиётлари ташкил этилади.

Беларусь миллий техника университети билан ҳамкорликда институтнинг ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини, стажировкаларини ташкил этиш, институт кутубхона фондунини шакллантириш ва замонавий ўқув, ўқув-услувий ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдириш масалаларида ҳамкорлиқни кучайтиришга бел боғланганимиз.

Бундан ташқари, Беларусь миллий техника университети билан қўшма таълим дастурларини яратиш, бакалаврият таълимининг тегишли йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича дарслик, ўқув кўпланма ва материаллар нашр этиш, ўқув-услувий ишларнинг сифати ва даражасини ошириш, таълим ва фан уйғунлигига эришишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Энг муҳими, институт яқин келажакда нуфузли халқаро рейтингларга кириши учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ: УЛКАН ИСЛОҲОТЛАР

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида аҳоли фаровонлигини янада оширишнинг бош омили мамлакатимизда кенг қўлмали бунёдкорлик ишларини амалга ошириш экани ўз ифодасини топди. Мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёт ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар ўсгани ана шу саъй-ҳаракатлар самараси бўлди. Дарҳақиқат, жаҳонда глобал молиявий, иқтисодий инқироз ҳали-ҳамон давом этаётганига қарамай, юртимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш изчил кечяпти. Одамлар турмуш даражасини янада яхшилаш, инсон манфаатлари устуворлиги, шу тамойилларнинг ҳаётийлигини таъминлаш пировард мақсадга айланди.



Шуҳратбек АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон вилояти ҳокими,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Юртимиздаги кенг қўлмали ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало, одамларимиз онгу тафаккурда рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим. Биз ҳар бир ёруғ кунга қадам кўра эканмиз, ана шу дастуриламал фикрларнинг мағзини чақишимиз, эртанги ишларни пухта ва изчил режалаштиришимиз даркор.

Вилоятимиз иқтисодий-ижтимоий, маънавий-сиёсий соҳаларида ўтган беш йил ўзига ҳос из қолдирди. Аввало, бу янгиланиш, бунёдкорлик ва қурилиш ишлари қўламини кенгайтириш билан изоҳланади. Шаҳар ва қишлоқларимиз овоз, кўркам манзилларга айланаётгани фаровонлик даражаси ошиб, фарзандларимизнинг баркамол, ҳеч қимдан кам бўлмай вояга етиши учун пухта замин яратилаётганидан далолатдир.

Хусусан, вилоятимизда 2017-2020 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўртача 24 фоиз ёки 18,8 триллион сўмга ўсди. Аҳоли жон бошига эса ялпи ҳудудий маҳсулот 2017 йилдаги 6,6 миллион сўмдан 2020 йилга келиб 12,2 миллион сўмга етказилди.

Вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2017-2021 йиллар мобайнида 2428 та лойиҳага жами 19,8 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Шу билан бирга, 2016 йилда 26,3 миллион доллар (18 та корхона) хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 252,9 миллион долларни (141 та корхона) ташкил этди.

2020 йилда хорижий инвестициялар 2016 йилдагига нисбатан 9,6 баробар, хорижий инвестиция жалб этилган корхоналар сони 7,8 баробар ортган.

Вилоятда Ҳиндистоннинг "Sharda", Польшанинг "Collegium Humanum

Management" университетлари фаолият юритмоқда. Андижон туманида "Андижон-фарм" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилиб, етакчи хорижий фармацевтик корхоналар иш бошламоқда. Ҳозир "Андижон-фарм" ЭИЗда 5 миллион қадоқда дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 5 та давлатнинг 8 та вилояти билан маданий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик қилиш бўйича келишувлар имзолашиб, икки томонлама манфаатли алоқалар ўрнатилди.

Экспорт ҳажми ошди

Вилоятда янги турдаги, жаҳон андозлари талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий саноат корхоналари барпо этилмоқда. Мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарига хорижий ҳамкорларни жалб этиш орқали янги экспорт шартномалари имзолашга эришилди.

2017 йилда 128,2 миллион долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган 6 ойида 283,8 миллион долларлик экспортга эришилиб, йил якунига қадар 588 миллион долларлик маррага чиқиш режалаштирилган.

Экспортни диверсификациялаш борасида ҳам яхши натижаларга эришилмоқда. Хусусан, сўнгги 4 йил мобайнида вилоят бўйича авваллари экспортга чиқарилмаган 12 янги турдаги маҳсулот сотуви йўлга қўйилиб, товарлар тури 106 тадан ортди. Бугунги кунда Андижонда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар Россия, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Тожикистон каби дунёнинг 26 давлатига экспорт қилинмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари — фаровонлик омили

Андижонда ўтган 5 йил давомида 15,5 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 38 мингтадан ошди.

Иқтисодий имкониятлар епкинида чекка қишлоқларга ҳам саноат кириб бормоқда. Жумладан, Избоскан туманининг "Қўғай" маҳалласида "Соҳиб омад баракаси" кластери томонидан "And gold" тикув-трикотаж корхонаси ишга туширилиб, 830 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Корхона йилгига 3 миллион 500 минг донга тайёр тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотлар 100 фоиз экспортга йўналтирилади. Фабрика тўла қувватга чиққанда, чекка ҳудуддаги 1 минг 200 аҳоли доимий ишли бўлади.

Туманининг "Урганжи" маҳалласида 3 мингдан зиёд аҳоли истеъмол қилади. Бу йил 915 ўринли умумтаълим мактаби таъмирдан чиқарилди. Барча кўчалар обод бўляпти. Ўнлаб кичик бизнес субъектлари орқали аҳоли бандлиги таъминланаяпти.

Дастур бўйича гузардаги бино қайта реконструкция қилиниб, оталар чойхонаси, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, спорт майдончаси, "Рақамли маҳалла" IT маркази бунёд этилди. IT марказда болалар компьютер саводхонлиги, киберспорт, дастурлаш каби амалларни бажаришни ўрганилди.

Одамларнинг ўзи ҳам миришкор. Шуни эътиборга олиб, деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга 150 сотихдан ер ажратилди. Маҳалладаги 150 хонадонга 50 тадан парранда берилиб, ўзини ўзи банд қилиши таъминланди.

"Мега агро" масъулияти чекланган жамияти Пахтаобод туманидаги тош-шағал карьерери ўрнида Испания технологияси асосида инновацион иссиқхона барпо этди.

Тадбиркор очик ва ёпиқ иссиқхонада қарам, помидор, бодринг ва ҳар хил кўкатлар етиштиряпти. Маҳсулотларни юртимиз бозорларига етказиб бериш, шунингдек, йилгига 1 миллион 500 минг долларлик экспорт қилиш режалаштирилган. Бу ерда 100 дан зиёд киши ҳалол меҳнат билан рўзгорини тебратаяпти.

Вилоятда "драйвер" соҳалардан бири тўқимачилиқдир. Бугун бу тармоқда 700 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Андижон

шаҳридаги "Dinar group" масъулияти чекланган жамиятига қарашли тикувчилик корхонаси шулар жумласидан. Корхонага Италия, Австрия ва Туркия каби давлатлардан мато бўяш ва тикув ускуналари келтириб ўрнатилди. 1000 та янги иш ўрни яратилди. Корхона йилгига 3,5 миллион донга тайёр трикотаж ва 5 минг тонна ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотлар 100 фоиз экспортга йўналтирилмоқда. Бугунги кунда хорижий давлатлар буюртмалари асосида 50 дан ортиқ турдаги ярим тайёр ва 100 хилдан ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик экспортни 40 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Бу йилнинг ўзига Аска туманидаги "Аска текстиль" ҳамда Жалақудук туманидаги "Зумрад текстиль" корхоналарида янги қувватлар, Ҳўжаобод туманида цемент заводи ва қурилиш материаллари кластери, "Андижон-фарм" эркин иқтисодий зонасида шприц корхонаси ишга туширилди.

Бундай мисолларни вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳри мисолида келтириш мумкин.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури натижасида файзли бўлаётган ҳудудлар

Жорий йилда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари учун 9 та йўналиш бўйича ажратилаётган жами 1 триллион 326 миллиард сўм маблағ ҳисобидан вилоятнинг 882 та маҳалласида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Очиғини айтиш керак, олдин бу қадар кўп маблағ ажратилмаган эди.

Ижтимоий соҳа инфратузилмасини яхшилаш мақсадида жами 144 та, жумладан, 38 та боғча, 56 та мактаб, 25 та тиббиёт ҳамда 25 та бошқа муассасада 901 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўзига 183 та кўп қаватли (5 минг хонадонли) уй барпо этилмоқда.

Умуман, барча йўналишлардаги қурилиш ишлари ҳажми ва ажратилаётган маблағ миқдори ўтган йилдагига нисбатан 2-2,5 баробар ортиқдир.



Янги Андижон: орзулар ушалаётган маскан

Давлатимиз раҳбарининг Андижонга ҳар бир таширфи ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади. Бу таширфлар давомида берилаётган топишқир ва кўрсатмалар ҳар бир соҳа учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Президентимизнинг 2021 йил 17-18 июнь кунлари Андижон вилоятига таширфи якуни билан тасдиқланган йўғилиш баёнига асосан, 2 триллион 970 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятида уй-жой масаласи долзарб. Чунки ер кам, уйларга талаб йиллар давомида тўпланиб қолган.

Қайд этиш жоизки, вилоят бўйича 2016 йилгача 4 минг 846 та оила учун яқка тартибдаги бир-икки қаватли уйлар қурилган. Охириги 5 йилда эса 11 минг хонадонли кўп қаватли ҳамда 4 минг 400 та яқка тартибдаги уй қурилди. Жорий йилда 6 минг 346 хонадонли 271 та кўп қаватли, шунингдек, ипотека асосида 2 минг 500 та яқка тартибдаги уй барпо этилмоқда.

Президентимиз вилоятимизга навбатдаги таширфида Янги Андижон шаҳри қурилишига тамал тошини қўйган эди. Бу қурилиш халқимиз бунёдкорлигини намоён этадиган тарихий воқеа эканига тўғталиб: "Андижондаги уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун икки-уч йилдан бери ўзимни қийнайман. Чунки ер кам, уйларга талаб йиллар давомида тўпланиб қолган эди. Бир хонадонда бир неча келин қайнонаси билан яшаётган оилалар кўп. Шунинг учун узокни ўйлаб, янги шаҳар қуришга киришдик. Бу ерда 130 мингдан ортиқ хонадонли кўп қаватли уйлар барпо этилади, 450 мингдан зиёд аҳоли яшайди", деди.

Умумий майдони 4 минг гектар бўлган янги шаҳарнинг 2 минг гектар қисмида уй-жойлар, ижтимоий объектлар, саноат зоналари, хизмат ва сервис объектлари қурилади. Туркиялик мутахассислар билан биргаликда ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, ҳудудда кўпроқ боғ ва хиёбонлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги шаҳар лойиҳасининг коммуникация тармоқларини бошлаш учун жорий йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ажратилди. Бунда 33 километр ичимлик сув тармоғи, 52 километр автомобиль йўли, 18 километр электр ва 27 километр газ тармоқлари қурилади.

Бунёд этилаётган янги шаҳар лойиҳаси барчага маъқул. Чунки ҳеч қимнинг уйи бузилмайди ва бирорта ҳам дарахт кесилмайди.

Айни пайтда бу ерда кўп қаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилган.

Янги шаҳар лойиҳаси 8 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда 3 минг 310 квартиралар 170 та кўп қаватли уй-жой, 1 минг 680 ўринли мактаб, 385 ўринли

Вилоятда метални қайта ишлаш корхонасини ишга тушириш ҳамда электромобиль ишлаб чиқариш лойиҳалари юзасидан ҳам ишлар бошланган.

Таширф баёнига асосан, умумий қиймати 20,6 триллион сўм бўлган 606 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, қарийб 65 мингта янги иш ўрни яратилмоқда.

Халқимизни рози қилиш учун имкониятлар топишимиз зарур

Атрофга синчковлик билан назар ташлайлик. Ҳаёт шиддат билан ўтиб бормоқда. Ҳар бир кун онгу тафаккуримизда янгила ўзгаришлар ясамоқда. Бу — мустақиллик шарофати.

Ўттиз йил тарих учун бир сонияли муддат бўлиши мумкин. Лекин она Ватанимиз тараққиёти саҳифаларида ёрқин из қолдирди. Истиқлол байрамини кутаринки рух, улкан натижалар билан қутиб олишимиз



керак. Халқимизни рози қилиш учун янги қирраларни, янги имкониятларни топишимиз зарур. Ўзбекистонимизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон қайси соҳада қандай вазифани бажармасин, бу ютуқларда менинг ҳиссам борми, дея ўзига ҳисобдорлик, танқидий-таҳлилий назар ташлаши лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири Салим Дониёров саволларига берган жавобларини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Бу суҳбатда янги Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланаётгани чуқур таҳлил қилинган. Айниқса, Президентимизнинг: "Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи такозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектлар заруратдир", деган фикри биз, вилоят, шаҳар ва туман раҳбарлари, қўйинки, ҳар бир ташкилот, корхона мутаассадилари учун дастуриламал бўлди.

"Бугун одамларни уйғонмоқда, жамият уйғонмоқда. Маънавий уйғоқ жамият — бу, ҳеч шубҳасиз, қудратли кучдир", деди давлатимиз раҳбари. Ва ҳокимларнинг иш фаолияти: "...жойларда ислохотларнинг самарали амалга оширилиши биринчи навбатда ҳокимларга, уларнинг билим ва тажрибаси, ишбилармонлик хусусиятларига боғлиқ. Энг муҳими, улар одамларнинг ишончини қозонган бўлиши шарт. Аҳоли жойлардаги раҳбарларга, уларнинг иши, хизмат ва муомала маданияти, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий савиясига қараб, давлат ҳокимиятига баҳо беради. Лекин очик айтиладиган бўлса, ҳокимлар, умуман, қуйи бўғиндаги раҳбарларнинг барчаси ҳам эл-юрт ўртада етарли обрў-эътиборга эга эмас", дея танқидий-таҳлилий баҳо берди.

Дарҳақиқат, халқнинг уй-ташвишлари, қувончу муаммоларини ўйлаб яшаш ҳар

қандай раҳбарнинг биринчи галдаги вазифасидир. Эл фаровонлиги, бозорлар, дастурхонлар тўқинлиги, қўйинки, одамлар қайфияти шу юртни бошқариб турган раҳбарга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Яқинда вилоятдаги ижтимоий-сиёсий сайтларимиздан бири "Сиз ҳокимингизни танийсизми?" лойиҳасини амалга оширди. Биласизми, жамоатчилик назорати, сўрови тарзидаги лойиҳа кўплаб маҳаллий ҳокимларимизни ҳушёр тортириб қўйди. Оддий одамларнинг мулоҳазалари, қарашлари раҳбарлар фаолиятига жамоатчилик баҳосини берди-да!

Бу йил мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Умуман олганда, сайловдан сайловгача одамларнинг қарашлари бутунлай ўзгариб борапти. Тизимдаги қонунчилик мустаҳкамланиб, жаҳон андозалари даражасига кўтариляпти. Турли даражадаги сессияларда халқ ишонган вакиллар — депутатларнинг янгича фикрлайдиган корпуси майдонга чиқаётганини ҳис

қияланимиз. Бугунги депутат кечаги депутатдан салоҳияти, мақомига кўра тамомила фарқ қилади. Энди кўприк, йўл, транспорт, турли қурилиш муаммолари эмас, халқнинг дилидаги гаплар, ҳаётга бошқача қараш, инсоний кадриятлар, "Бугун нима қилсак, эртага яхши бўлади", деган саволга жавоб топиш иштиёқи устун турибди.

Бу жараёнда маҳаллий кенгашлар депутатларидан фидокорлик, уйғоқлик, дахлдорлик талаб қилинаётди. Улар ваколати доирасидаги масалаларнинг таъкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш лозим. Қайноқ ҳаёт ўртага қўяётган масалаларни сессияларнинг кун тартибига олиб чиқиш керак. Қонунчиликка оид ўзгариш ва қўшимчалар қиритиш юзасидан ҳар бир депутат ўз тақлиф ва мулоҳазаларига эга бўлмоғи даркор.

Жойларда халқ билан мулоқотлар чоғида одамларнинг ҳуқуқий билими, сиёсий фаоллиги ошгани яққол намоён бўляпти. Улар ўз шахсий муаммоларини эмас, кўпроқ ҳудудларга, жамиятга дахлдор масалаларни ўртага қўяди. Соҳа ва тармоқлардаги ислохотларни таҳлил қилиш асосида саволлар беради. Бу йилги сайловга халқимиз катта ишонч билан ҳозирлик қўряпти. Улар чуқур мулоҳаза қилган ҳолда, кимга овоз беришни, мамлакат тақдирини кимга ишониб топиришни ҳолис ҳал қилади.

Албатта, катта мақсад ва яхши ният билан яшайдиган инсон учун ҳар бир кун, ой, йил ўзига ҳос синовдир. Аввало, ғайрат-шижоат, астойдил интилиш такозо этилади.

Кейинги йилларда Андижоннинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, мамлакатимизнинг энг гузал ва обод масканларидан бирига айланимодда. Озод ва обод юрда яшайдиган, янгича фикрлайдиган одамларнинг уйлари ҳам, уларнинг ҳаёти, турмуши ҳам гузал ва фаровон бўлиши керак. Ўзгаш ман шундай заманда яшаётми. Ўтаётган йилларга, ойларга, кунларга ҳамиша шукроналик ҳисси билан боқиб эртанги кунимизнинг янада порлоқ бўлишидан далолатдир.

ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!



Хақим Йўлдошев олган суратлар.

САМАРАСИДА ЮКСАЛАЁТГАН ДИЁР

Кластер — иқтисодий самарадорлик ва фаровонлик асоси



Мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, унга бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Хусусан, кластер усули йўлга қўйилди, экин турлари замон талабидан келиб чиқиб ўзгартирилди. Натижада ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ ҳўжалиги тармоғи қанчаллик саноатлашса, давлатнинг экспорт салоҳияти шўнчалик ортади, қишлоқ ҳўдудларда янги иш ўринлари яратилади, халқнинг турмуш фаровонлиги юксалади.

Қолаверса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масала бўлиб турган бугунги давр табиий ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишни, соҳага ресурс тежамкор (сув тежовчи, юқори унумли) технологиялар, уруғчилик, биотехнология, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишни талаб қилмоқда.

Шу нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз аграр тармоғида илгор технологияларга асосланган

инфратузилмани яратиш учун ишлаб чиқаришнинг янги усули — кластер тизими жадаллик билан жорий этилмоқда.

Ўтган қисқа даврда ушбу тизим ўзини ҳар томонлама оқлаганини эриштилаётган натижаларда кўришимиз мумкин.

Андижон вилоятининг Ҳўжабод туманида 1996 йилда тadbirkor сифатида 4 нафар ишчи билан фаолиятини бошлаган “Само текстиль” корхонаси бугун йирик кластерга айланди. 2016 йилга қадар 425 та ишчи фаолият юритган корхонада айни пайтда 10 мингдан ортиқ киши ишламоқда.

Бугун унинг таркибида 35 минг гектар пахта етиштирилаётган ер майдони, кунига 30 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга иккита ил йиғирув фабрикаси, қуввати кунига 50 тонна бўлган тўқув, бўяш цехлари ва тўртта тикув корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Тикув корхоналарида 200 турдан ортиқ эркаклар, аёллар, болалар ёзи ва киши кийимлари тикилмоқда.

Кластер таркибидagi корхоналар

56 турдан ортиқ маҳсулотини Руминия, Латвия, Украина, Молдова, Италия, Чехия, Германия каби давлатларга экспорт қилмоқда.

— Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз Европа Иттифоқининг GSP+ дастурига аъзо бўлгани сабаб тўқимачилик соҳаси учун янги имкониятлар эшиги очилди, — дейди “Само текстиль” таъсисчиси Акмал Ғаниев. — Ушбу имкониятдан фойдаланган ҳолда Польшада экспортни йўлга қўйдик. Ўтган йил якуни бўйича “Само” бренди остидаги корхоналар томонидан 20 миллион АҚШ доллари қийматидаги тайёр маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг 7 ойида бу кўрсаткич 21,3 миллион долларга етди. Ил якунига кўра, экспорт ҳажминин 40 миллион АҚШ долларида етказишни режалаштирганмиз.

Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги қарори ижросини таъминлаш ҳамда ҳўжалиқда сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида корхонада умумий майдони 43 минг гектар бўлган пахта кластерлари ташкил қилиниб, 2 минг гектардан ортиқ майдонда томилатиб сўғориш йўлга қўйилди.

Пахта ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида кластер томонидан 527 та замонавий, юқори унумли техника сотиб олинди, қишлоқ ҳўжалиқда фойдаланилмоқда.

Корхонада бугунги кунга келиб тўқимачилик соҳасида 17 нафар хорижий мутахассис фаолият юритиб келмоқда. Улар салоҳиятли маҳаллий кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшаётди.

Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш ҳамда келажақда хорижий мутахассислар ўрнини босувчи миллий кадрлар базасини яратиш мақсадида Ҳўжабод қишлоқ

ҳўжалиги касб-хўнар коллежи ўрнида “Само кластер” инновацион технологиялар институти ташкил қилинди.

720 ўринли замонавий, инновацион техникалар билан таъминланган, модул-кредит тизимида таълим берадиган институтида тўқимачилик саноати мўҳандаслиги, дизайн, рақамли ишлаб чиқариш, маркетинг, интеллектуал мўҳандислик тизимлари, ахборот технологиялари каби таълим йўналишлари бўйича ўқитиш режалаштирилган.

Асосий мақсад “Само” бренди остидаги 15 та корхонага, Ҳўжабод туманида тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 215 та тadbirkorлик субъекти ҳамда Андижон вилоятида мавжуд 2 минг 400 га қяин тўқимачилик корхоналарига йилига 100 нафар малакали мутахассис етказиб беришдир.

Кластер тасарруфидagi “Мега инновацион иншоот” корхонасида тошни қайта ишлаш, суюқ-бетон ҳамда темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Келгусида “Само” бренди остида асфальт ва цемент заводларини қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

“Само текстиль”га қарашли “Nil-Granit” масъулияти чекланган жамияти калава-иш тўқув ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келади.

— 2021 йилга келиб жамиятимизда ишчилар сони 2 мингга етди, — дейди “Nil-Granit” МЧЖ раҳбари Абдуваҳоб Маткаримов. — Айни пайтда мавжуд 95 донa тўқув машинасида бир кунда ўртача 50 тоннадан зиёд трикотаж матo тўқилмоқда. Улардан йилига 8 миллион донa тайёр трикотаж маҳсулоти тикилмоқда.

Корхонани кенг тармоқли ишлаб чиқариш мажмуасига айлантириш мақсадида Туркиянинг “ELKON” фирмасидан қурилиш дастохларни олиб келиниб, темир-бетон, плита, гишт, суюқ бетон ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводи ташкил қилинди.

Шахрихон — хўнармандлар шахри

Шахрихон азалдан хўнармандлар юрти сифатида доврўғ таратган. Айниқса, туманда пичоқчилик, дўппидўзлик, бешиқсозлик, темирчилик, тикувчилик, миллий чопонлар тайёрлаш, қосиб-лик, ёғочсозлик каби хўнар турлари жуда ривожланган.

Шахрихонлик хўнармандлар маҳсулотларига нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш катта.

Президентимизнинг Шахрихонда Хўнармандлар марказини барпо этиш бўйича билдирган ташаббуси билан “Қорақўрпа” маҳалласи ҳудудидан 1,2 гектар ер майдони ажратилиб, қисқа фурсатда миллий услубда, қўркам ва мўҳташам марказ қад ростлади. Марказ қадимий Шахрихон меъморлик аъёналари асосида замон талабларига мос ҳолда қурилган.

Бу ерда пичоқчилик, қулоллик ва миллий кийим, қосиблик, дўппидўзлик, чопон тикиш, ёғоч ўймакорлиги йўналишларида иш олиб бoрилади. 34 та хўнарманд устaxonаси ҳамда 250 та савдо растаси ташкил этилиб, 320 та иш ўрни яратилган.

— Президентимизнинг Шахрихонда Хўнармандлар марказини барпо этиш ташаббуси тумандаги соҳа вакилларини жуда хурсанд қилди, — дейди мазкур марказ раҳбари Содиқнон Нейматов. — Бу ерда хўнармандлик устaxonалари, савдо растаси, меҳмонхона, миллий услубдаги чойхона ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Бу эса, ўз навбатида, туманда хўнармандлигини ривожлантириш билан бирга сайёҳлар сони ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Ушбу мажмуани ташкил этишдан мақсад юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳларга миллий хўнармандлигимиз ҳақида маълумот бериш, тарғиб қилиш, ёшларни хўнарга ўргатишдан иборат. Бу марказ сайёҳлик ҳўдудларига яқин жойда қурилган, меҳмонлар топиши осон бўлиб инобатга олинган.

— Қўлимага болға олиб, пичоқчилик сир-синоатларини ўзлаштира бошлаганимда 14 ёшда эдим, — дейди пичоқчи уста Раҳматхўжа Алихўжаев. — Мустақил тарзда илк маҳсулотимни

яратганимга қадар яна 14 йил хўнар ўрганишга тўғри келди. Сўнгги йилларда хўнармандларга яратилган шароит, мавжуд имкониятлар фаолиятимизда янги босқични бошлаб берди. Буюк ипак йўли бўйида қад ростлаган мазкур марказ ҳам юртимизда миллий хўнармандлигини ривожлантириш, бу орқали янги иш ўринлари яратиш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб бoрилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалдаги ифодасидир. Бу ерда сайёҳлар учун мўъжазгина дўппидўзлик ва пичоқчилик музейини ҳам барпо этдик.

Республикаимизнинг бир неча ҳудудида пичоқчилик хўнари кенг ривожланган. Уларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга. Мисол учун, Шахрихон пичоқлари енгиллиги ва ўткирлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, унга берилган ишловлар бетакрордир.

Раҳматхўжа ака нафақат Шахрихон пичоқлари шаклланишига, балки миллий хўнармандлигимиз тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Уста яратган пичоқлар ўнлаб хорижий давлатлардаги кўргазмаларда намоийш этилган. Жумладан, у 1995 йили ЮНЕСКОнинг 50 йиллиги билан пичоқчиликнинг 43 та ўналишини шакллантириб келмоқда. Амалга ошираётган, эришган ютуқлари нафақат халқимиз ардоғида, сайёҳлар эътиборида, балки ҳўкуматимиз эътирофида ҳам. У ўтган йили “Меҳнат шўҳрати” ордени билан тақдирланган.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ҳўуднинг ўзига хос урф-одатлари, аъёналари мавжуд. Шахрихон тумани ҳам қадри бaланд хўнармандлари билан танилган. Яратиб бeрилаётган имтиёз ва имкониятлар, хўнармандликда илдиз отган аъёналар эса аҳодлардан авлодларга мерос бўлиб кeлаётган қадриятларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.



МАЗКУР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВГА ЎТИНГ.

Кичик саноат зонаси — ишбилармон ёшлар кўмакчиси



Бугун Олтинқўл тумани аҳолисининг 40 мингдан ортигини 18-30 ёшдаги ёшлар ташкил этмоқда. Шундан тўрт минг нафардан ортиғи “Ёшлар дафтари”га киритилган. Айни пайтда уларнинг 3,5 минг нафарга яқини бу дафтардан чиқарилди.

Ёшларнинг тadbirkorликка оид ташаббуслари, стартап лойиҳалари ва амалий тadbirkorлиги натижаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, уларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда Президентимизнинг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тadbirkorлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тadbirkorликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Олтинқўл тумани “Намуна” МФЙ ҳудудидаги 5 гектар ер майдонида Ёшлар кичик саноат зонаси ташкил этилди.

— Кичик саноат зоналари тadbirkorларга қўшимча қўлайлик ва имконият яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва шу орқали ҳўуднинг саноат салоҳиятини ошириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш мақсадларига хизмат қилади, — дейди Олтинқўл тумани ҳўким ўринбосари Фахриддин Парпиев. — Кичик саноат зоналарининг энг мўҳим жиҳатидан бири — янги иш ўринлари яратилиши. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”дагилар бандлиги таъминланади. Иккинчидан, бу каби зоналарда, асосан, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар

ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда ҳам мазкур жиҳатга эътибор қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳўуд ўки маҳалла кесимида “Ўсиш нукталари”дан келиб чиққан ҳолда, лойиҳаларини амалга ошириш самарадорликка хизмат қилмоқда.

Айни пайтда тумандаги 95 нафар йигит-қиз томонидан тақдим этилган лойиҳалардан истиқболли деб топилганлари асосида қурилиш ишлари бошланган.

Тadbirkor Файратбек Низомов бу ерда дуррачилик цехини ишга туширди. 27 та иш ўрни яратилди.

— 26 ёшдаман. Фаолият бошлаганимга 3 йил бўлди. Ўтган даврда

яратилган имкониятлардан фойдаланиб фаолиятимни анча яхшилашга эришдим. Лекин тadbirkor учун жой ва мўҳит масаласи жуда мўҳим аҳамиятга эга экан. Ана шу мақсадда лойиҳамни тақдим қилган эдим. Ёшлар кичик саноат зонасидан жой ажратилди. Мана, кўриб турганингиздек, бу ерда биз учун барча имкониятлар яратилган. Маҳалладаги “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар ишли бўлди. Маҳсулот ҳозирча қўшни давлатларга буюртма асосида тўлиқ экспорт қилинмоқда. Бу ерда келгусида фаолиятимни кенгайтириш учун имконият ҳам яратилди.



Янгида руҳда яшаётган маҳалла

Маҳаллани одамларнинг дарду ташвишлари, оруз-ниятлари, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини қанчалик биладиган тузилмага айлантириш борасида жиддий қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилиши аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Вилоятнинг Олтинқўл туманидаги 56 та маҳаллада 180 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ўтган беш йил мобайнида аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳўуд қиёфасини янгилаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Энг мўҳими, илгари эътибор қаратилмаган, фойдасиз деб қаралган тармоқлар бугун иқтисодий ривожланишда локомотив вазифасини ўтаётди. Бу соҳаларнинг бой имкониятлари қайта кашф қилиниб, даромад манбалари озага чиқяпти.

“Маҳаллабай” тизим ижросини моддий қўллаб-қувватлаш, яъни имтиёзли шартларда кредит ажратиб, аҳолини тadbirkorликка жалб қилиш уларнинг реал даромадини оширишга амалий ёрдам бераётди.

Яна бир мўҳим масала — аҳолини оилавий тadbirkorликка йўналтириш. Бу йўналишда туманининг “Ижтимоият” маҳалласида яхши бир аъёна йўлга қўйилди.

— Айни пайтда маҳалламизда 3 мингга яқин аҳоли яшайди, — дейди “Ижтимоият” МФЙ

раиси Одилқон Даминов. — Ҳўудда бекорчи одамнинг ўзи йўқ, ҳамма иш билан банд. Масалан, мана шу битта кўчамизда 45 та оила истиқомат қилади. Улар мебелсозлик билан шуғулланади. Кўча бошидаги оила стоп-столнинг асосини тайёрласа, қўшниси уни бўяш билан машғул. Шундай қилиб, маҳсулот қуцадаги охириги оила қўлидан тайёр маҳсулот бўлиб чиқиб кетади. Бунинг самараси шундаки, жараёнда бирор оила аъзоси қатнашмасдан қолмайди. Ҳатто мактаб ўқувчиларимиз ҳам ёзи таътил пайтида “устоз-шогирд” аъёнасига асосан хўнар ўрганимоқда.

— “Ёшлар дафтари”га киритилганман, 2 фарзандим бор, — дейди шу маҳаллада яшовчи Бекзод Ботиров. — Олдин ижарага ер олиб, шартнома асосида меҳнат қилардим. Жорий йилда ҳеч қандай шартларсиз 10 сотих ер ажратиб берилди. Бу ердан айни пайтгача уч марта ҳосил олдим. Ҳозир ҳам кечки шолғом экканман. Оилам билан бирга шу ерга меҳр бeриб меҳнат қиламиз. Кам бўлганим йўқ. 15 миллион сўм даромад олдим. Бeрилаётган аша шундай эътибор ва имкониятдан фойдаланиб, оиламни ҳеч қандай кўмаксиз таъминлаялман. Ҳозир “Ёшлар дафтари”дан чиқаришларини сураб, ариза ёздим. Кўрсатилган ёрдам учун давлатимиздан миннатдорман.

Қўшаҳифа материалларини “Янги Ўзбекистон” муҳбири Лутфулла СУВОНОВ тайёрлади.



МАНГУ МУСТАҚИЛЛИК РАМЗИ

Баҳодир СОБИРОВ,
Навобий давлат педагогика
институту ректори

2020 йил 17 декабрда Президентимизнинг “Мустақиллигимизнинг 30 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори имзоланган эди. Шу асосда юртимизда “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида турли бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, фаровонлик ҳамда тотувликни янада юксалтириш каби бир қанча вазифалар амалга оширилди. Йил номланишига ҳамоҳанг равишда ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратилди.

Беш муҳим ташаббус доирасида ёшларимизнинг спорт, санъат, маданият, китобхонлик ва бошқа қатор соҳалардаги қизиқишлари ва фаолиятига кенг йўл очиб берилди. Ушбу имкониятлар самараси ўлароқ, спортчиларимизнинг Токио шаҳрида ўтган Олимпия ва Паралимпия мусобақаларида муносиб иштирок этиши, янги Ўзбекистон ёшларининг кимё, биология, математика каби бир қатор фанлардан халқроқ фан олимпиадалари ғолиблигини қўлга

“Янги Ўзбекистон” мажмуаси аждоқларимизнинг улкан жасоратидан, миллий истиқлол йўлида жон берган ватандошларимизнинг орзу-армонларидан ҳикоя қилади. Бу мажмуа истиқлолимизнинг абадий рамзи бўлиб қолади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанали маросимда сўзлаган нутқи эса янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларини кўрсатиб берди. Ривожланаётган мамла-

рилаётгани таъкидланди. Бу эса олий таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассисга юксак масъулият юклайди.

Шиддат билан ривожланаётган бугунги глобал дунёда ўз касбининг устаси бўлган, инновацион технологияларни пухта биладиган, хорижий тилларни мукаммал эгаллаган инсон ҳамма соҳада ҳам ўз ўрнига эга бўлади. Шу боис, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар шу каби юксак билим ва қўникмаларга эга бўлиб бориши жоиз. Янги Ўзбекистон ёшлари аждоқлар бошлаган эзгу ишларни муносиб давом эттириши кўп жиҳатдан шу омилга боғлиқ.

Ҳақиқат ушбу йиллик тарихга назар ташлар эканмиз, ўтган қисқа даврда юртимизда рўй берган ва бераётган оламшумул ўзгаришларни кўз олдимизга келтирганимизда кўнглимиз равшан тортарди. Зеро, шундай тинч ва тотув, мустақил, жаннатмакон ўлкага фақат ва фақат байрам кайфияти ярашади. Бундай байрамларни ўзи ва Ватанининг тақдирини бир тутган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари миллият фидойилари орзу қилганлар. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, ўй-хаёлларида, бутун қалб кўрида миллатга дарддошлиқ, юрта не ғам тушса, елка тутиш масъулияти кўзга ташланади.

Ўзбек халқининг фахри ва ғурури ҳисобланган Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Манғуберди, Темури Машиқ ва Амир Темури, Заҳририддин Муҳаммад Бобур каби ватанга эътиқодли, ватан учун жонини аямаган инсонларнинг ҳаёт йўли ва фаолиятини ўрганиш, уларнинг ватанпарварлик ғояларидан ибрат олиш давр талабидир.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” М-ЎЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru



ЎЗБЕК ФАРЗАНДЛАРИ ЎЗЛИгини УНУТМАСЛИГИ КЕРАК

Александр БЕКЖОНОВ,
Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат
муסיқали театри директори

Мустақиллигимизнинг 30 йиллик тантанаси арафасида миллий қўшиқчилигимиз ҳақидаги фикрларимни, аввало, ватанпарварликдан бошлашни жоиз топдим. Негаки, бу туйғу инсон қалбининг туб-тубида бўлса бас. У миллат ҳам, ҳудуд ҳам танламайди, инсоннинг ботинидан зоҳирига чиқиб, ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён бўлаверади. Рус миллатига мансуб аёлнинг фарзанди бўлсам-да, маҳалладек табарруқ жойда улғайдим, ўзбек мактабида таълим олдим. Ўзбек тили, ўзбекнинг ўзига хос турмуш тарзи мен учун энг буюқ неъмат. Хайриятки, 30 йилдан зиёд вақт мобайнида ўзбек миллий қўшиқчилигининг, катта ашулаларнинг тарбиявий таъсирида улғайдим.



Театр ўзининг миллийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уни аввал Ўзбекистонда ягона дер эдим, йўқ, театримиз дунёда ягона экан. Тўхтасин Жалилов каби буюк композиторларнинг асарлари, “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра”да ҳазинамиздан олинган миллий қўшиқлар билан бойитилган спектакллар театримизнинг ўзига хослигини кўрсатиб туради.

ёқиб эшитганман шундай қўшиқларни. Ахир санъат, айниқса, қўшиқчилик соҳасида ота-боболаримиз яратиб кетган жуда катта бойлигимиз бор бизнинг! Неча асрлардан бери



халқимизнинг руҳини тозалаб келяпти улар. Хоразм олти ярим мақоми дейсизми, Бухоро шашмақоми ёки Тошкент, Фарғона йўналиши бўйича миллий қўшиқлар бўладими, ҳамма-ҳаммасининг туб моҳияти миллийликка асосланган. Чунки Ватанга садоқат, унга вафодорликда мени тарбиялаган мақом, миллийлик бўлади. Миллий руҳда тарбия топган авлоднинг кийиниш, муомала маданияти, оила тутишида ҳам миллийлик уфуриб туради.

Хайриятки, кейинги йилларда ҳар соҳада миллийликка қайтқанимиз. Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейишадик. Фарзандларимиз қалбига миллийликни чақалоқлик пайтидан алла билан сингирсак, юқорида айтганимдек, керак бўлса, богчадан бошлаб миллий қўшиқларни ўргатсак, уларни санъатимизнинг дурдоналари билан тарбияласак, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки миллий қўшиқларимиз буюк-буюк боболаримиз сўзлари билан айтилади. Айнан уша сўзлар туфайли халқимизнинг қалбидан жой олган қўшиқлар билан вояга етган авлод олди-қонди қўшиқларини эшитмайди. Ўзимизнинг асл дурдоналаримиз борлигини улар яхши билади. Миллий қўшиқлардаги насихатомуз сўзларнинг тарбияга ижобий таъсирини ҳам чуқур хис қилишади. Шунингдек, мақомга меҳр қўйган бола оиласига вафодор, ватанига ҳиёнат қилмайдиган, элининг қорига ярайдиган бўлиб камол топади. Зеро, миллий қўшиқчилигимиз миллиятимизнинг асл ўзлиги, меҳр-оқибат, бизга қолдирилган жуда катта мерос. Айрим пайтларда 5 соатлик маърузадан олинмаган таъсир кучини беш минутлик яхши қўшиқ бера олиши мумкин.

тини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан мақом санъати юксалаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ҳуқуқий мезонлар асосида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институти ташкил этилгани, Нукусда опера ва бахшчилик мактаби, жойларда бахшчилик мактаблари, болалар муסיқа ва санъат мактабларида фольклор синфларининг фаолият юритаётгани қувонарли, албатта. Илоҳим, мана шундай эзгу ишларимиз бардавом бўлсин!

Айни пайтда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат муסיқали театри раҳбари сифатида айтманки, театр ўзининг миллийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уни аввал Ўзбекистонда ягона дер эдим, йўқ, театримиз дунёда ягона экан. Тўхтасин Жалилов каби буюк композиторларнинг асарлари, “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра”да ҳазинамиздан олинган миллий қўшиқлар билан бойитилган спектакллар театримизнинг ўзига хослигини кўрсатиб туради. “Тумарис”, “Уткан қунар”, “Хамса” — аждоқларимизнинг салоҳияти қай даражада бўлганини яққол акс эттирадиган спектакллар. Мухлисларимиз уларни томоша қилиб, бахтиёр бўлганида, қалаётган ишингдан мамнунлиқ туясан киши.

Албатта, режамизда қўнгилочар, комик спектакллар яратиш ҳам бор. Бинобарин, инсоннинг кўнгли кўтарилса, кулгу, кайфият юқори бўлса, иммунитет пайдо бўлади. Имунитети балан одамга эса дори-дармоннинг кераги бўлмайди. Аммо қўнгилочар спектаклларга ҳам ёш авлоднинг маънавиятини бойитишга хизмат қиладиган ғояларни синдиришга ҳаракат қиламиз. Чунки ўзбек фарзандлари ўзлигини ҳеч қачон унутмаслиги керак!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2920.
76354 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” М-ЎЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Муассис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:55 Топширилди — 00:00